O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 15 апрель ШАНБА

№ 30 (11.833)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

БОШ МАСАЛА:

## ТЕКИС УНДИРИБ ОЛИШ

**Пахтадан мўл ҳосил олишнинг биринчи омили чигитни бехато экиб, текис ундириб олишдир. Шу боис вилоятимиз туманларида бунга катта эътибор билан қаралмоқда.**

Бўка туманидаги «Хўжақўрғон» ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳам экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Хўжаликда 724 гектар майдонга «С-6524» навли чигит экиш режалаштирилган. Ҳозир аксарият майдонларга барака уруғи қадаб бўлинди. Бошидан қўрилган пухта тайёргарлик, етарли таъминот ва ўз навбатида, об-ҳавонинг қулай келаётгани сабабли юқори унумдорликка эришилаётир.

— Хўжалигимиз ҳар йили режаларни уддалаб, давлатга 2 минг тоннадан ошириб қимматбаҳо хом ашё топширмоқда, — дейди бош пудратчи Абдуқаҳҳор Нурматов. — Албатта, бунда бизнинг ҳам муносиб улушимиз бор. Куни кеча қарамоғимиздаги 22 гектарлик контурга чигит экиб бўлдик. Уруғлик ерга бехато, мақбул чуқурликда тушди. Бунда тажрибали механизаторларимиз, сеялкачи ва ёрдамчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.





*СУРАТЛАРДА: бош пудратчи Абдуқаҳҳор Нурматов ва механизатор Ибодулла Келдиев ўзаро маслаҳатда; чигит экиш пайти.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## МАРРА САРИ ИЛК ҚАДАМ

**Оққўрғон туманидаги «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги деҳқонлари чигит экишда илғорлар сафида бормоқдалар.**

— Бу йил деҳқонларимиз 666 гектар майдонда пахта етиштирадилар, — дейди бош ҳосилот Раҳматилла Қўзиев. — Мўлжалдаги мўл ҳосилга замин яратиш мақсадида чигит экиладиган майдонларни сифатли тайёрладик. Кам қувватли майдонларнинг ҳар гектарига 35-40 тоннадан маҳаллий ўғит чиқардик. Чигит экиладиган барча майдонлар рисоладагидек текисланиб, борона қилинди. Чигитнинг шароитимизда яхши синовдан ўтган «С-6524» навини танладик. Бу навнинг ўзига хос технологиясини деҳқонларимиз яхши ўрганиб олишган.

Хўжалик механизаторлари ҳам баҳорги дала ишларига пухта ҳозирлик кўришди. Бунинг учун 4 та чизел, 5 та борона, 3 та оғир мола, 8 та сеялка ва чопиқ тракторлари барвақт ҳозирлаб қўйилди.

— Аъзоларимиз бу йил 79 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришни режалаштирдилар, — дейди бош пудратчи Илҳомжон Иномов. — Экишнинг дастлабки кунидан бошлаб мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз.

— Деҳқончилик билим ва малакали меҳнатни талаб қилади, — дейди шу ерлик меҳнат фахрийси Карим Эгамбердиев. — Илҳомжоннинг мана шу ерда меҳнат қилаётганига ўн йилдан ошган бўлса, у бошлиқ пудратчилар ҳар йили пахта етиштириш режаларини ортиғи билан бажариб келишмоқда. Деҳқонларимиз бу йил ҳам зафар марраси сари бошиданоқ дадил қадам қўймоқдалар. Улар муваффақият ғойибдан келмаслигини яхши билишади.

**Пардабой ЭРГАШЕВ.**

*Тараддуд*

## МУНОСИБЛАРГИНА ОҚСОҚОЛ БЎЛАДИ

Маҳалла, қишлоқ, шаҳарча — жамиятимизнинг негизлари, давлат бошқарувининг бирламчи бўғинлари. Бир томондан улардаги ҳаёт, ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар жамиятда кечаётган туб ислоҳотларнинг қанчалик амалийлиги ва боқийлигини тасдиқласа, иккинчи томондан, жамиятни асосли равишда янгилаш, иқтисодиётни эркинлаштириш, бозор муносабатларини қарор топтириш, ижтимоий соҳалар самарадорлигини таъминлаш негизида халқнинг турмуш даражасини кўтариш борасидаги чора-тадбирларнинг нечоғли ҳаётийлиги бевосита ана шу қуйи бўғинда ўзини намоён этади.

Мустақиллик йилларида бу бўғинларнинг мавқеини, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарчалардаги ўзини ўзи бошқариш идораларининг ҳуқуқларини кенгайтиришга бевосита эътибор қаратилаётганлигининг боиси мана шунда. Айни шу жиҳатдан ҳам маҳаллалар, қишлоқ ва шаҳарчаларнинг фуқаролар йиғинлари раислари — оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Асосий мақсад бу лавозимларда маълумотли, ҳаёт тажрибаси етарли, энг муҳими, давлат ва жамиятда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мақсад ва моҳиятини аниқ-равшан англаб етиб, одамларни давр илгари сураётган вазифаларни бажаришга отлантира оладиган обрў-эътиборли кишилар сайланишига эришишдан иборатдир.

Шу кунларда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида ўтган ҳудудий семинарларда шулар ҳақида фикрлашиб олинди. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуидаги бу машғулотларда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг раҳбарлари, қишлоқ ва маҳаллаларнинг фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этишди.

Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари, Оҳангарон тумани вакилларининг ўқув машғулоти ғоят қизиқарли тус олиб, сайловни ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳларни шакллантириш, номзодларни кўрсатиш, тарғибот ишларини ташкил этиш масалалари теварагида кенг ва атрофлича фикрлашиб олинди. Иштирокчилар сайловни «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларни сайлаш тўғрисида»ги Қонунлар талаблари асосида ташкил этиш хусусида тегишли йўл-йўриқлар олишди.

Шаҳар ва туманларда ўтказилган бу машғулотларда сайловни қонун ҳужжатлари талаблари асосида ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш лозимлиги ҳақида жонкуярлик билан фикр алмашилганлигининг асосли сабаблари бор. Чунки, 2003 йилги оқсоқоллар сайловида ташкилотчилик етарли бўлмагани учун айрим маҳаллаларда номуносиб одамлар оқсоқолликка сайланиб қолиш ҳоллари юз берганлиги сир эмас. Шуни айтиш керакки, номзодлар танланиши ва сайловни ўтказишга шошма-шошарлик билан, енгил-елпи ёндошилган жойларда маҳалла оқсоқоллари орасида ўз ишига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам учради. Кейинчалик шундай 19 оқсоқолнинг фаолияти қониқарсиз топилиб, уларни алмаштиришга тўғри келди. Олмалиқ, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарларида, Бекобод, Бўстонлиқ, Пскент ва Ўртачирчиқ туманларида номзодларни танлаш яхши ташкил этилмаганлиги учун сайловдан кейин ариза ва шикоятлар ҳам кўпайди.

Шу ва бошқа камчиликлар ҳисобга олиниб, семинар машғулотларида май-июнь ойларида ўтадиган сайловларга қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, жиддий тайёргарлик кўриш масалалари теварагида фикрлашилди. Ҳисобот даврида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 883 тадан 1454 тага кўпайганлиги эътиборга олинса, бажарилиши лозим бўлган сайловолди ишларининг кўлами қанчалик кенглиги ойдинлашади. Вилоятимиз қишлоқларида 544 та маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари ўз фаолиятларини жамоатчилик асосида олиб бораётганлиги ҳам номзодлар танлашга, ташвиқот ишларига нечоғли масъулият билан қараш лозимлигини кўрсатади. Чунки, бундай маҳаллалар кўпроқ аҳоли тарқоқ ҳолда яшайдиган тоғли ҳудудларга тўғри келади. Шу боис номзодликка ниҳоятда жонкуяр, халқ дардини енгиллаштириш иштиёқи билан яшайдиган, ғайрат-шижоатли кишилар танланиши керак.

Ҳеч шубҳасиз, яқинлашиб келаётган оқсоқоллар сайлови жамият ҳаётида демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилиб, халқимизнинг эзгу орзу-ниятларини рўёбга чиқаришда, ижтимоий ривожланиш суръатларини тезлаштиришда янги босқичга айланади.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ЯНГИ ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИ

**Чиноз туманидаги 45-ўрта мактабнинг эски биноси ўрнида янги таълим маскани қад ростлади. Тўрт юз ўринли мазкур мактаб замонавий фан кабинетларидан ташқари, спорт зали ва ошхонага эга.**

Тошкент вилоятида Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Дастурга киритилган таълим даргоҳлари таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

– Туманимиздаги 48 мактабда 26 минг нафардан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олади, – дейди Чиноз туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Дўримбетов. – Ўтган йили иккита мактаб капитал реконструкция қилинди, битта янги мактаб фойдаланишга топширилди. Бутунлай янгича қиёфа касб этган бундай таълим муассасаларини ўқув-лаборатория жиҳозлари, мактаб мебеллари ва спорт анжомлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали кўмаги билан капитал реконструкция қилинган 6- ва 26-мактабларнинг ҳар бирига етти ярим миллион сўмлик спорт анжомлари етказиб берилди.

Жорий йилда учта мактаб капитал таъмирдан, учтаси эса капитал реконструкциядан чиқарилади.

**Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

## АЖДОДЛАР ҚОЛДИРГАН МЕРОС

***Пойтахтдаги Талабалар шаҳарчасида Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан "Маъмун академиясининг инсоният тараққиётида тутган ўрни" мавзуида учрашув ўтказилди.***

Аждодларимиз қолдирган тарихий зиё масканининг минг йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан илмий-маърифий тадбирлар дастури ишлаб чиқилган эди. Унга мувофиқ тарғибот-ташвиқот гуруҳлари томонидан мамлакатимизнинг барча ўқув муассасаларида мулоқотлар ўтказилмоқда.

Маълумки, Маъмун академияси ўрта асрларда юртимиз ҳудудида фаолият кўрсатган етук олимларни бирлаштирган нуфузли даргоҳ ҳисобланади. Ушбу маскан нафақат илм-фанни ривожлантириш, балки давлатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик риштаси бўлиб ҳам хизмат қилди.

Анжуманда айни вақтда ҳам академиянинг бой илмий мероси кўплаб тадқиқот ишларини олиб бориш учун манба бўлиб хизмат қилаётганлиги эътироф этилди.

**«Туркистон-пресс».**

## МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАБ

**"Экосан" халқаро ташкилоти, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти ҳамкорлигида "Инфекция: муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

Мазкур тадбир инфекция тарқалишининг асосий манбалари билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимини топиш мақсадида ташкил этилди. Унда соғлиқни сақлаш идоралари томонидан амалга оширилаётган ва оширилиши лозим бўлган профилактик тадбирларни молиялаштириш ва бу борада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Шунингдек, атроф-муҳитни соғломлаштириш, сув таъминоти ва чиқиндилар бошқарувини такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли дастур ҳамда йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Туркистон-пресс».**

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чирчиқ шаҳар бўлимининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Кенгаш ҳамда назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва навбатдаги вазифаларга бағишланган маърузалари тингланиб, муҳокама қилинди.**

## ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА



Қайд этилганидек, бугунги кунда шаҳарда ҳаракатнинг 64 та бошланғич ташкилоти иш олиб бораяпти. Улар ўз сафларига 29177 аъзони бирлаштирган. Ҳисобот даврида ёшларни касбларга йўналтиришга эътибор кучайтирилиб, бепул ўқитиш курслари ташкил этилди. Бунинг учун 17 миллион сўм сарфланди. Ёш тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес субъектларига мустақил равишда тадбиркорлик билан шуғулланиш ва фаолиятларини ривожлантириш учун тижорат банкларидан кредит олишда ёрдам кўрсатилди. Кенгаш ташаббуси билан ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оиширилмоқда. Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ўтказилаётган «Сиз қонунни биласизми?», «Тарих билимдонлари», «Шунқорлар» каби қатор кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Конференция иштирокчилари билан ҳаракат фаолиятининг айрим муаммолари хусусида суҳбатлашдик.

— Мен 26-умумтаълим мактабида бошланғич ташкилот етакчисиман, — дейди Ҳилола Холматова. — Тўққиз нафар фаоллар ёрдамида асосий фаолиятимизни ёшларни тўғри йўлга бошлашга қаратаяпмиз. Тўғри, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Кўпинча мансабдор шахсларни ташкилий-тарбиявий жараёнларга жалб қилишимиз қийин кечмоқда.

— Ҳозирда бошланғич ташкилотимизда 50 нафар аъзо бор, — дейди Тошкент ҳарбий округига қарашли Чирчиқ шаҳар сержантлар тайёрлаш мактаби бошланғич ташкилоти етакчиси Шавкат Бобомуродов. — Бугунги конференцияга ҳам ўз таклиф-мулоҳазаларимиз билан келганмиз. Бир ҳолат бизни ҳеч қониқтирмаяпти. Одатда сайлов бўлса, 3-4 нафар кишининг номзоди қўйилларди. Ана шунда танлаш имконияти яратиларди. Лекин раисликка фақат битта номзод кўриляпти. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

— Биз икки йилдан буён рақс санъати билан шуғулланиб келаяпмиз, — дейишди Кенгаш қошида очилган «Грация» шоу-балет тўгариги аъзолари Эльвина Копилевич ва Яна Иштугановалар. — Шу вақтгача хорижий ҳамда миллий, замонавий руҳдаги рақсларни саҳналаштирдик. Шаҳар миқёсидаги турли тадбирларда ўзимизнинг санъатимиз билан қатнашамиз. Бизга умуман эътибор йўқ, деб айта олмаймиз. Бироқ, машғулотларимиз ўтадиган жойда ошхона, ювиниш хоналарининг йўқлиги қийинчилик туғдирмоқда. Келгусида «Камолот» ана шу муаммоларимизнинг ҳал қилинишига амалий ёрдам берса яхши бўларди.

Конференцияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва Кенгашнинг янги таркиби сайланди.

**Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ҲАВАСКОР ЖАМОАЛАР ФЕСТИВАЛИ

**Паркент туманидаги "Қўшчинор" маданият ва истироҳат боғида ҳаваскор фольклор-этнографик жамоалар фестивали бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Паркент тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

Фестивалнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий санъатимиз ва маданиятимиз ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бугунги кунда юртимиз фольклор жамоалари умумхалқ байрамлари, тантаналар, халқаро мусиқа фестивалларининг, кўрик-танловларнинг фаол иштирокчисидир. Айни пайтда "Бойсун баҳори", "Шарқ тароналари" каби халқаро мусиқа фестивалларининг ўтказилиши мазкур мусиқий жамоалар фаолиятини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, янада равнақ топтиришда муҳим омил бўлаётир.

Паркентда ўтган ўзига хос санъат байрамидан кўзланган асосий мақсад ҳам фольклор жамоалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ёшларда миллий мусиқа санъатимизга эътибор ва қизиқишни янада кучайтиришдан иборат эди.

Фестивалда вилоятнинг йигирмадан ортиқ ҳаваскор жамоаси ўзининг ранг- баранг ва жозибадор мусиқий дастурини тақдим этди. Улар орасида Оҳангарон туманининг "Чашма", Бўстонлиқ туманининг "Гулёр", Юқоричирчиқ туманининг "Мунож от" каби таниқли ҳаваскор ансамбллари билан бир қаторда вилоятда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари бадиий-мусиқий жамоалари ҳам ўз санъатларини намойиш этгани эътиборга лойиқдир.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

2006 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

### Биз ва жаҳон

**Франциянинг Тулуза шаҳридаги "Крус" Минтақавий университетлар маркази ташкилотида Марказий Осиё кунлари бўлиб ўтди.**

## Тулузада юртимиз тақдимоти

Тадбир доирасида Тулуза университетларида таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган Ўзбекистон тақдимоти ўтказилди.

Маросим чоғида ўзбек халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари кўргазмаси, мамлакатимизнинг иқтисодиёт соҳасида эришган ютуқлари ва мавжуд имкониятларини акс эттирувчи турли материаллар, фотосуратлар, юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган видеофильмлар намойиш этилди.

– Шаҳримиз олий ўқув юртларида ўн нафар ўзбекистонлик талаба таҳсил олмоқда, – деди "Крус" ташкилотининг маданий ва халқаро муносабатлар бўлими бошлиғи Франсуаза Лаво. – Кечамиз ана шу талабалар билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди. Айтишим керакки, юртингиз талабалари маросимга жуда пухта тайёргарлик кўрди. Биз мана шу кичкина маросим давомида Ўзбекистон ҳақида кўп маълумот олишга ва юртингиз тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қилишга муваффақ бўлдик.

**«Жаҳон» АА.**

## Шоир хотирасига бағишлаб

**Анқара давлат университетида Алишер Навоийнинг 565 йиллигига бағишлаб илмий конференция ўтказилди.**

Унда Туркия олий ўқув юртлари ва илмий марказлари шарқшунос олимлари, жамоатчилик ва мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, журналистлар иштирок этдилар.

Конференция қатнашчилари А.Навоий ҳаёти ва ижоди, унинг ўзбек классик адабиётининг вужудга келишидаги ўрни ва Шарқ халқлари маданияти ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисидаги маърузаларни тингладилар.

Конференция иши Туркия оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

**«Жаҳон» АА.**

### Бугуннинг гапи

**Президентимиз Ислом Каримовнинг автомобиль транспортида йўловчи ташиш хавфсизлигини ва хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтиришга қаратилган Фармон ва қарорларининг қабул қилиниши мамлакатимизда халқимиз фаровонлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган яна бир хайрли ишлардан бўлди. Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Абдулла Қўлдошев билан суҳбатимиз мазкур ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасидаги ишлар хусусида бўлди.**



# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

– Мамлакатимизда транспорт воситалари сони кундан-кунга ортиб боряпти, – дейди А. Қўлдошев. – Бу, аввало, халқимиз фаровонлигининг тобора юксалиб, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатининг яхшиланаётгани, юртимизда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Шу боис шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида енгил автомашиналар ва автобуслар қатнови сезиларли даражада кўпаймоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, хизмат тизимини замонавий технологиялар асосида ташкил этиш билан боғлиқ қатор вазифаларни ўртага қўймоқда.

Юртбошимизнинг фуқароларимиз ҳаёти хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш, автомобиль транспортида хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтиришни кўзда тутувчи Фармон ва қарорларида вазирлигимиз олдига қатор муҳим ва долзарб вазифалар қўйилган. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчи транспорти соҳасидаги қоидабузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, йўловчилар ташийдиган транспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат қилиш бўйича юкланган мажбуриятлар ижросига нисбатан масъулият билан ёндошиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда, вазирлигимизда автотранспорт воситаларини мунтазам равишда техник кўрикдан ўтказиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилишда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДЙҲХХ) органлари шахсий таркиби масъулиятини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Тижорат асосида йўловчилар ташишда фойдаланиладиган автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш таъминланмоқда. Бунда уларнинг техник ҳолати сифатига ва жиҳозланиши йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига, шунингдек, уларнинг қайд этиш маълумотларига мос келишига алоҳида эътибор қаратилаётир...

Таъкидлаш лозимки, эндиликда йўловчи ташиш фаолияти билан фақат юридик шахс мақомига эга бўлган ҳолда шуғулланиш мумкин. Бунинг афзаллик томонлари шундаки, энди тадбиркорликнинг ушбу тури билан шуғулланишни ихтиёр этган ҳайдовчилар уюшмаларга аъзо бўлади. Юридик шахс мақомига эга ташкилот ва корхоналарга аъзо бўлиш эса 2006 йилнинг 1 июнига қадар республика йўл фондига ўтказиладиган мажбурий тўловлардан озод этилган ҳолда амалга оширилади. Ҳар куни йўналишга чиқишдан олдин ҳайдовчи тиббий, транспорт воситаси эса техник кўрикдан ўтказилади. Бошқача айтганда, ҳайдовчининг ҳам, транспорт воситасининг ҳам ҳолатини доимий назорат қилиш имконияти туғилади. Йўловчи хавфсизлигини таъминлаш кафолати ўз-ўзидан ортади.

Лицензия бериш билан эса пойтахтимизда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда эса Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳудудий бўлинмалари шуғулланади.

Шу ўринда ҳозир хусусий тадбиркорлар қўлида бўлган, муддати ўтмаган лицензиялар ҳеч бир тўловларсиз янги шаклдаги лицензия варақаларига алмаштириб берилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Аммо, бу иш пойтахтимизда 2006 йилнинг 1 майига (Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш ҳуқуқини берувчи аввалги лицензиялар 1 майдан бошлаб ўз кучини йўқотади), Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда эса 1 июнга қадар амалга оширилиши шарт. Агар хусусий тадбиркор юридик мақомга эга бўлган ҳолда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланишни истамаса, лицензия олиш учун тўлаган маблағининг қолган қисми унга қайтариб берилади.

**– Янги лицензияси бўлмаган ҳолда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланган ҳайдовчиларга қандай жавобгарликлар белгиланган?**

– Бундай ҳайдовчилар маъмурий жавобгарликка тортилади. Бунда энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан 150 бараваригача бўлган миқдорда жарима солиш, агар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганидан сўнг бир йил мобайнида у такроран содир этилса, ҳуқуқбузарликни содир этиш воситаси сифатида транспорт воситасини мусодара қилишгача бўлган жазо чораси қўлланилади.

Ҳозир давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ҳужжатлар талабларини бажариш, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳайдовчиларга тушунтириш борасида тегишли ташкилотларнинг мутасадди ходимлари иштирокида махсус рейдлар ўтказиляпти. Бундай тадбирлар давомида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган транспорт воситаларининг техник ҳолатидан то уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишларига рухсат берувчи ҳужжатларигача текширилмоқда. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўриляпти.

Аммо, фақат назоратни кучайтириш билан кўзланган натижаларга эришиб бўлмайди. Бунинг учун аввало, ҳайдовчилар хизмат кўрсатиш маданиятини оширишлари, йўловчилар ҳам ўзларига намунали хизмат кўрсатилишини, хизматидан фойдаланадиган транспорт воситаларининг техник жиҳатдан соз, озода бўлишини талаб қилишлари лозим.

Тараққиёт жадал илгарилаб бораётган ҳозирги даврда ҳар ишда бўлгани каби, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ҳам тинмай изланиш, барча имкониятларни ишга солиш талаб этиляпти. Бундай изланишлар ўз самарасини беради, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини, фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

**ЎзА мухбири Беҳзод НОРБОЕВ суҳбатлашди.**

## ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР ЭЪТИБОРДА

**Оҳангарон тумани ҳокимлигида маданият муассасалари ходимлари, мактабларнинг тарих ва адабиёт ўқитувчилари, маънавият ва маърифат масалалари бўйича мутахассислар ҳамда шу соҳага мутасадди бўлган раҳбарлар иштирокида йиғилиш ўтказилди.**

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш бўйича туманда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Маданият объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш республика инспекцияси мутахассислари томонидан тумандаги ҳудудлар белгиланиб, туман ҳокимлигининг доимий назоратига олинган.

Жумладан, Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қадимги Илоқ давлати пойтахти Тункент шаҳри тепалигида қурилиши бошланган қабристон тўхтатилди, у ерда қурилган тобутхона бузилиб, қазилган ҳандақлар текисланди. Бу ерга маданий мерос объектини англатувчи пешлавҳалар ўрнатилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар тумандаги маданий мерос обидалари ва унинг тарихи ҳақида ўз фикрларини баён этдилар.

Бундай йиғилишлар Сарижайлоқ ва Обиз маҳаллаларида давом эттирилиб, маҳалла фаоллари, маънавият ва маърифат ҳамда маданият ишлари мутасаддилари билан ҳамкорликда қилинажак ишлар ҳақида келишиб олинди.

**Ўз мухбиримиз.**

### 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



# ҲАМ БОҒ, ҲАМ МУҲОФАЗА

***Қизил ярим ой жамияти вилоят кенгаши Бўстонлиқ туманидаги Хумсон қишлоғи ҳудудида 20 гектарли мевали боғ барпо этди***

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят кенгаши Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ишлаб чиқилган махсус дастур асосида жойларда қатор хайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги билан келишилган ҳолда Хумсон қишлоғининг қор ва тупроқ кўчкиси хавфи кучли бўлган ҳудудларидан 20 гектар ер ажратиб олиниб, мевали боғ барпо этилгани маҳаллий аҳолини беҳад қувонтирди. Бу ерда қисқа муддатда 10 минг туп мевали дарахт, жумладан, 1000 туп бодом, 1500 тупдан ёнғоқ ва гилос, 2000 тупдан олча, олма, ўрик кўчатлари экилди.



Хўш, тоғ бағрида бундай боғ барпо этишдан асосий мақсад нима?

Аввало, маҳаллий аҳолини киши саломатлиги учун зарур бўлган дармондориларга бой мевалар билан таъминлаш ва шу орқали камқонлик (анемия) касаллигининг олдини олиш кўзда тутилган. Янги боғ ерлик оилаларга уларнинг имкониятларига қараб бўлиб берилди. Ҳар бир оила ўзига бириктилган майдондаги кўчатларни йил давомида парваришлайди, кейинчалик ҳосилини ҳам ўзи тасарруф этади.

— Лекин биз кўзлаган асосий мақсад аҳолини хавфли тоғ кўчкиларидан муҳофаза қилишдир, — дейди Қизил ярим ой жамияти вилоят кенгаши раиси Муфаррах Каримова. — Бу хайрли ишимизга инсонпарварлик ёрдами бўйича Еврокомиссия (ЕСНО) ташкилоти ҳомийлик қилди ва «Кўчат экиш дастури»ни амалга ошириш учун 10 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шуниси диққатга сазоворки, янги боғ барпо этишда маҳаллий аҳоли фаоллик кўрсатди. Айтиш мумкин, 20 гектарлик боғ ҳашар йўли билан бунёдга келган. Қизил ярим ой жамияти аҳоли фаоллигидан самарали фойдаланиб, ҳашарчиларни зарур иш қуроллари — белкурак, чўкич, челак, арқон билан таъминлади. Хумсон қишлоғидаги 19-мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳашарда, айниқса, жонбозлик кўрсатдилар.

— Ҳақиқатан ҳам маҳаллий аҳоли биз бошлаган хайрли ишга хайрихоҳлик ва манфаатдорлик билан муносабатда бўлди, — дейди Муфаррах Каримова суҳбат пировардида. — Шундан фойдаланиб, табиий офатлар туфайли юзага келадиган фавқулодда ҳолатларда ўзини ва ўзгаларни муҳофаза қилиш ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўл-йўриқларини ўргатиш мақсадида маҳаллаларда учрашув, суҳбат ва машғулотлар ўтказдик.

Алоҳида таъкидламоқчиманки, нафақат Бўстонлиқ, балки, вилоятимизнинг Паркент, Оҳангарон туманлари тоғли ҳудуддарида ҳам табиий офатлар юз бериши мумкин бўлган хавфли жойлар оз эмас. Биз ана шу минтақаларда ҳам хайрли тадбирларимизни давом эттириш ниятидамиз.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:** боғ барпо этиш жараёни.*

## ТЕХНИКА БАЗАСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик бирлашмаси тасарруфидаги Автомобиль-транспорт бошқармаси шу тизимдаги ўндан ортиқ корхонага хизмат кўрсатади.

Ангрен кўмир конини техник жиҳатдан янгилаш бўйича 2001-2010 йилларга мўлжалланган давлат дастури асосида бошқарманинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Йилнинг иккинчи чорагида бу ерга навбатдаги янги транспорт воситалари — 10 та «КрАЗ», 20 та «БелАЗ» оғир юк машиналари келтирилади. Бунинг учун бирлашма ҳисобидан 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**



# «ТУҲФА ҚИЛИНГАН АСАРЛАРНИ ЖОН ДЕБ ЎҚИЙМИЗ»

***Китоб марафонида қатнашган ўқувчилар бизга шундай дейишди***

Ботир Зокиров номли Оҳангарон шаҳар мусиқа ва санъат мактабида «Мактаб — кутубхона — оила — жамоат ташкилотлари» китоб марафони ўтказилди. Шаҳар халқ таълими бўлими ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, ота-оналар, ўқитувчилар, ҳокимлик вакиллари, маҳалла қўмитаси раислари, кутубхона мудирлари ва ёшлар қатнашдилар.

Унда сўзга чиққанлар шаҳар ҳокимлиги мактаб кутубхоналарини бадиий адабиётлар билан бойитишга эътибор қаратиши муҳим эканлигини айтдилар.

Оҳангаронлик ўн тўққиз ижодкорнинг «Оҳангарон-шифер» корхонаси раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ҳомийлигида чоп этилган «Оҳангарон илҳомлари» китоби туман маданият бўлими кутубхоналарига бепул ҳадя қилинди.

Ёш китобсеварларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгашининг совғалари топширилди. Мактаб ўқувчиларининг китобсеварлик мавзусига бағишланган саҳна ижролари ҳам тадбирга мос тушди.

Зангиота туманидаги «Кутубхонага китоб ҳадя қилинг!» шиори остида ўтказилган китоб марафони ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Марафонга ҳомийлик қилган ташкилот ва муассасалар марказлашган кутубхоналар тизими фондига кўплаб оммавий-бадиий адабиётларни туҳфа қилдилар.

**Икромали ХОЛМАТОВ.**

***СУРАТЛАРДА:** китоб марафонидан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



# ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда бошқа соҳалар қатори туризмнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Туризм барча давлатларнинг ижтимоий-маданий, шунингдек, халқаро иқтисодий муносабатларига самарали таъсир кўрсатади.**

Бу соҳанинг ривожланиши билан айрим мамлакатларда кўплаб аҳоли иш билан таъминланади. Бугунги кунда жаҳондаги ишчи кучининг 60 фоиздан кўпроғи туризм соҳасида иш билан банд. Шу жумладан, Ўзбекистонда бу соҳада 30 мингдан ортиқ киши хизмат кўрсатмоқда. Улардан 28,3 минги олий, 3,1 минги махсус маълумотга эгадир.

Кўпгина мамлакатларда туризм катта бизнеснинг жадал ривожланаётган соҳасига айланган. Масалан, товар ва хизматлар экспортидан келадиган даромадларда туризмнинг ҳиссаси Испанияда 60, Австрияда 40, Швейцарияда 18 фоизни ташкил этади. Бутун дунё туристик ташкилотларида мамлакатлар икки туркумга, яъни туристларни кўпроқ юборувчи ва кўпроқ қабул қилувчи мамлакатларга бўлинади. Кўпроқ юборувчи мамлакатларга АҚШ, Германия, Англия, Франция каби ривожланган давлатлар, кўпроқ қабул қилувчиларга эса, Австрия, Швейцария, Испания каби давлатлар киради. Буларга Ўзбекистонни ҳам киритиш мумкин. Ўзбекистон ҳозир туристлар кўрадиган жойлар сони ва дунё миқёсида уларга бўлган талабга кўра биринчи 10 та давлат қаторига киради.

Халқаро туризмда, айниқса, сайёҳлик хизмати фойда олишнинг ишончли манбаи бўлиб, хорижий валюталарнинг кириб келишига ёрдам беради. Ўзбекистон ўзининг тарихий ёдгорликлари жамланган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлари билан жаҳон аҳлининг эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Ўзбекистонга бугунги кунда 400 минг чет эллик сайёҳлар, туристлар ташриф буюришиб, бундан 38 миллион АҚШ долларидан ортиқроқ даромад олинган.

Республикамизда халқаро туризмни ривожлантиришда яна бир қанча тадбирларни амалга ошириш лозим. Туризм осон соҳа эмас, бунда ҳамма ҳам ишлай олмайди. Чунки, туризм соҳасида ишлаш ҳар бир ходимдан доимий шайликни, катта масъулиятни талаб қилади. Бироқ, кўп ҳолларда ходимлар ўз касбига эътиборсиз муносабатда бўладилар, бу эса туристларга хизмат кўрсатиш даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Туризм соҳасида реклама ҳам жуда катта роль ўйнайди. Ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиб, рекламани шундай оммавийлаштириш лозимки, бундан туристлар етарли маълумотлар олиб, қизиқишлари ортиб, мамлакатимиз тарихий ва маданий ёдгорликлари, халқ ҳунармандчилиги ҳақида янада кўпроқ билгиси келсин. Шунингдек, республикадаги туристик имкониятлар билан хорижлик сармоядорларни таништириш ва икки томонлама фойдали шартномалар тузиш лозим.

Халқаро туризмни ривожлантириш фақатгина пул маблағлари оқимини кўпайтирибгина қолмай, қурилиш, савдо, алоқа, транспорт каби соҳаларнинг ҳам ривожланишига туртки бўлади. Шунингдек, туризмнинг ривожланиши замонавий меҳмонхоналар, ресторанлар, дўконлар, йўллар ва оромгоҳлар қурилиши, тарихий ёдгорликларнинг қайта таъмирланиши ва атроф-муҳитни асраш борасида катта аҳамиятга эга. Бу омилларнинг барчаси давлатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий юксалишига ва жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан жой эгаллашига ёрдам беради.

**Лазиз ЭШОНҚУЛОВ, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси.**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

***Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари мутахассислари учун касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда фойдаланиладиган услубий қўлланмалар яратиш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.***

Унда тиббиёт йўналишидаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари олимлари ҳамда шифокорлар иштирок этди.

Семинарда далилларга асосланган тиббиётнинг асосий тамойиллари ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишдаги ўрни, бу борадаги услубий қўлланмаларни яратишда эътибор талаб этиладиган жиҳатлар ва галдаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

**ЎзА.**

# Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

## САХОВАТЛИ ОДАМЛАР ЮРТИ

### ҚАДР

«Фалокат оёқ остида» деганлари тўғри экан. Уй битай деганда, охирги шиферни тортиб олаётган Азамат сирпаниб кетиб, томдан қулаб тушди. Уни шаҳар шифохонасига олиб кетишди. Орадан бир ой ўтганига қарамай, ўнлаб операцияни бошидан ўтказган бемор бери қарай демасди. Шифокорлар умуртқа ҳам шикастланган деган хулосага келишди. Энди Азамат ҳеч қачон ўрнидан туролмаслиги тўғрисидаги шум хабар тезда бутун қишлоққа тарқалди.

Шуларни хаёлдан ўтказиб келаётган Дўсан таниш дарвоза олдида машина тормозини босди. У дарвозани тақиллатиши билан Азаматнинг катта ўғли Нодир югуриб чиқди.

— Ўқишларинг яхшими, Нодиржон, — деди Дўсан меҳр билан унинг бошини силар экан. — Аянг уйдамилар, чақиргин-чи?

Қия очиқ дарвоза ичкарисида бир қўли билан ёқасини, бир қўли билан пинжига тиқилган Нодирни елкасидан ушлаб тураркан:

— Келинг, ичкарига киринг, Дўсан ака, — деди аёл ийманибгина.

— Азаматнинг олдига кеча бориб келгандим, анча дуруст, — деди Дўсан. — Насиб этса ҳали кўрмагандай бўлиб кетади. Мендан нима ёрдам керак, уялмай айтаверинг, келин.

Бу гапдан Эркиной ўпкаси тўлиб турган экан, шекилли, ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

— Мана, хўжайиннинг ётиб қолганига бир ой бўлди, — деди аёл кўз ёшларини артишга уринаркан, — ҳамма биздан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Шу гапингизнинг ўзи бизга далда бўлди.

— Э, парво қилманг, одамлар ўзи шунақа, — деди Дўсан, — яхшиси дугонангизга қўнғироқ қилиб, юмушларингиз бўлса, айтинг, хўпми? Бир-биримизда қолиб кетмайди. Шундай пайтда қўл қоқишайлик-да.

Қисқаси Дўсан машинасига ўтириб, муюлишдан бурилган ҳам эдики, узоқдан қўлини силкитиб, югуриб келаётган Нодирнинг қорасини илғаб қолди. Дўсан машинани тўхтатиб, болакайга пешвоз чиқди.

— Аям тўғрисини айтмадилар, — деди ҳансирашини босолмай Нодир, — Қодирнинг оёқ кийими йўқ, шунинг учун мактабга бормаяпти. Сигирни сотиб, пулига дадамга дори олдик. Уйда ейдиган нарсамиз қолмаган. Дадамнинг ўртоғи бўлганингиз учун ҳам бу гапларни айтаяпман-да, — деди кўзларини ерга қадаганча.

— Ўғлим, бу гапларни айтганинг яхши бўлди, — деди Дўсан бир оз ўйланиб, — ўзи дадангдан қарз эдим, эртага кечга томон пулни ташлаб ўтаман, бўптими? Шу баҳона омонатидан қутиладиган бўлдим.

Эртаси куни хотинининг розилиги билан икки соғин сигирдан бирини бозорга олиб бориб сотган Дўсан пулни Азамат ўртоғиникига ташлаб кетди. Дардини берган шифосини ҳам беради деганларидек, шу йил охирига бориб Азамат ҳам оёққа турди.

... Замонанинг зайли билан Азамат ширкат хўжалиги тарқатилгач, раисликдан бўшаб, фермер хўжалиги тузди. Дўсан эса автокорхонага директор этиб тайинланди.

Кунлардан бир куни ишхонасида юрак хуружи тутиб қолган Дўсанни чап қўл, чап оёғи фалаж бўлиб, ишламай қолди.

Дўсаннинг эндигина институтга ўқишга кирган яккаю ягона ўғли шартнома пулини тўлашдан умидини узиб, жомадонини кўтарганча, қишлоққа қайтиб келди.

Бу нохуш гапдан биринчи бўлиб хабар топган Эркиной кечқурун эрига ёрилди. Гап орасида у касал бўлиб ётганида дўсти олиб келиб берган қарзни ҳам шама қилиб ўтди.

Бирдан сергак тортган Азамат ўртоғи билан пул олди-бердиси бўлмаганлигини айтмади-ю, ирғиб ўрнидан турди. У кафти билан панжасига бир урди-да, хотинини койиган киши бўлди.

Эртасига кечқурун тўғри Дўсаннинг ётоғига кириб келган Азамат унга орқа-олди ёзиб, муҳр тамғалари босилган қоғозни узатди.

— Бу ўғлинг ўқиётган институт билан фермер хўжалигимиз ўртасида узоқ муддатга тузилган шартнома, — деди Азамат.

— Нега бундай қилдинг, ўртоқ? — деди ўпкаси тўлиб Дўсан, — ҳожати йўқ эди.

— Мени ҳамма ўладига чиқарган пайтда, йўқ қарзни ўйлаб топиш олдида бу иш хамир учидан патирга ҳам арзимайди, — деди Азамат кўзига ёш олиб, дўстининг бежон қўлларини юзларига босаркан. — Эртага ўғлингни ўқишга, сени катта врачларга кўрсатиш учун олиб бораман, тонг саҳарда келаман.

Дўсан ёлғиз ўзи қолганда кўп нарсаларни хаёлидан ўтказди...

### СОХТА ОБРЎ

Кейинги пайтда, айниқса, болалар уйлари тарбияланувчилари учун зиёфат бериб, ўз олижанобликларини, саховатпешаликларини бошқаларга кўз-кўз қилмоқчи бўлаётганлар кўпайиб қолди.

Ана шундай тадбирлардан бирини ўтказган болалар уйи раҳбари Соҳибжон шундай ҳикоя қилади:

— Туманимизнинг уддабурон тадбиркорларидан бири олдимизга келиб, шу ерда тарбияланаётган болаларнинг бироз бўлса-да, кўнглини олмоқчи эканлигини айтди. Унинг нияти болаларга ош дамлаб, совға-салом улашиш экан.

Хуллас, қўй сўйилиб, ош дамлашдан тортиб, кенг майдонни байрамона безатиб, дастурхон тузашгача бўлган барча юмушларни ҳомийнинг ўзи бажарди. Аввалига бор-йўғи юзга яқин болаларни табриклаш учун 400 тадан кўпроқ меҳмон чақиришганидан ўзимда йўқ хурсанд бўлдим.

Машмаша сал кейинроқ бошланди. Тушлик вақти ўтиб бораётганига қарамай, суратқаш келмагунча, ош сузилмайдиган бўлди. Ҳомийнинг хотини дастурхонга қараб, тамшаниб ўтирган қорни очиққан болаларга сабр қилишни маслаҳат берди. Хуллас, видеокамерачини кимдир топиб келгач ҳам давра очила қолмади. Ҳомийнинг хотини 40 та улфатидан ҳали тўрттаси йўлда эканлигини айтиб, ошни буздирмай турди.

Ош сузилгач, табриклар бошланди. Гапларга қулоқ солсам, ҳамма ҳомийни мақташ билан овора. Айримлар қаерда ўтиришганини ҳам унутган кўринади, чунки шиpакайф қийқириқлар, санъаткорларга пул қистиришлар бошланди. Раққоса ҳам қаерга келганлигини билмайди, шекилли, бачкана қилиқлари билан одамнинг энсасини қотирарди.

Тушда бошланган меҳмондорчилик тунга бориб тинди. Бу ҳали ҳолва экан. Эртасига эрталаб ҳомий келиб, менга айтган гапи ҳаммасидан ошиб тушди.

— Кеча қудамиз обрўйимни кўтариш учун прокатга гилам совға қилган экан, шуни қайтариб берсангиз? — деди у.

У билан ҳовлига чиққанимизда ўйнаб юрган иккита қизалоқ узоқдан биз томонга чопиб келаверди. Улар, бу менинг дадам, йўқ, бу менинг дадам, деганча меҳмоннинг тиззаларини қучоқлаб олишди.

Қизалоқларни аранг бағридан бўшатгач, ҳамроҳим кўз ёшларини тия олмай менга деди:

— Мен пул топибман-у ақл топмаган эканман, устоз. Мен бугун бир ҳақиқатни англадим. Шу норасида қизчалар туфайли кўзим очилгандай, ўзимни танигандай бўлдим. Кечиришингизни ўтиниб сўрайман. Қизларимдан хабар олиш учун тез орада, албатта, келаман.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ.**

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

## «ПАХТАКОР» ГУРУҲ ПЕШҚАДАМИ

***Осиё чемпионлар лигаси мусобақалари иштирокчилари учинчи тур баҳсларини ўтказишди. «Пахтакор» Эроннинг «Фулад» жамоасини қабул қилди.***

Ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ пахтакорчилар фаол ҳаракат қилиб, ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Ҳужумларнинг бирини 13-дақиқада Зайниддин Тожиев самарали якунлади. Киритилган тўпдан сўнг кўтаринки руҳда ҳаракат қилган вакилларимиз ҳужумни янада кучайтирдилар. 37-дақиқада меҳмонлар дарвозаси томон жарима тўпи белгиланди. Уни Сервер Жепаров қойилмақом бажариб, ҳисобни 2:0 га етказди.

Танаффусдан сўнг меҳмонлар майдонда фаол ҳаракат қилиб, ўйин тизгинини қўлга олишга уриндилар. Ҳимоячиларимиз ва дарвозабон Игнатий Нестеров бир неча бор хавфли ҳужумларни қайтаришга муваффақ бўлдилар. Ўйин охиригача 2:0 ҳисоби ўзгармай қолди.

«Пахтакор» очколари сонини 6 тага етказди ва гуруҳда пешқадам бўлиб олди. Иккинчи ўринни «Фулад» тўрт очко билан банд этган.

Муборакнинг «Машъал» жамоаси бу турда Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» жамоасига қарши сафарда баҳс юритиб, йирик — 0:5 ҳисобида мағлубиятга учради.

Кейинги гуруҳда БААнинг «Ал-Айн» жамоаси 7 очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Машъал» тўрт очко билан учинчи ўринни эгаллаган.

**Талъат ЮСУПОВ.**

## ВАКИЛИМИЗ КУЧЛИ УЧЛИКДА

***Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» спорт мажмуасида баскетбол бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати олий табақаси учинчи тур ўйинлари ўтказилди.***

Бу йилги мавсумда ғолиблик учун Навоий шаҳрининг «Ўсмирлар», «Ника-1» ва «Ника-2», пойтахтнинг «Ёшлик», Фарғонанинг «Нефтчи», Наманганнинг «СДЮСШОР» ҳамда вилоятимиз вакиллари «ОТМК» ва «Ўсмирлар» (Олмалиқ) жамоалари ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боришди. Қизиқарли ўтган учинчи тур ўйинларидан сўнг «Ника-1», «ОТМК», «Ника-2» жамоалари совринли ўринларни эгаллашди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**Қуйичирчиқ туманида катта спорт байрами бўлиб ўтди.**



## СПОРТ ЭЪТИБОРДАН БОШЛАНАДИ

Кўп йиллардан буён тумандаги 49-сонли умумтаълим мактабида спорт зали мавжуд эмас эди. Вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан мактаб ҳудудида янги, замонавий спорт мажмуаси қад ростлади. 2005 йилнинг охирларида фойдаланишга топширилган иншоот қурилишига жамғарма томонидан 78 миллион 300 минг сўм маблағ сарф этилди. Ўтказилган спорт байрамида эса мактабга жами 7,5 миллион сўмлик спорт жиҳозлари тақдим этилди.

Шу куни Дўстобод ўйингоҳида «Отам, онам ва мен — соғлом оила» мусобақалари старт олди. Унда 5 та оила вакиллари иштирок этиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди. Унда Қуролбой Оққуловлар оиласи биринчи ўринни қўлга киритди.

3-сонли болалар боғчасида ўтказилган «Соғломжон-полвонжон» мусобақалари ҳам кескин ва қизиқарли спорт ўйинларига бой бўлди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

***СУРАТДА:** спорт тадбиридан лавҳа.*

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## ЁМОНТОЙ



Ҳазилкаш улфатларим: «Сен билан эҳтиёт бўлиб гаплашмасак, атомдай портлаб, ҳаммаёқни вайрон қиласан», дейишади. Ялмоғиз хотиним ёнимни олиш ўрнига: «Ҳамма айб ўзингизда, тилингиз заҳар, бирор киши ҳақида яхши гап айтмайсиз, ҳамма нарса кўзингизга қора бўлиб кўринади, лақабингизни билиб Ёмонтой қўйганлар», деб жаврайди.

Бузоққа ўхшаган латта чайнар танишим бор. Бир куни ундан: «Турдимат, турмада ётганмисан?» деб беғараз сўрадим. Бояқиш қўлга тушган ўғридек оқарди, кўкарди, бўзарди, кейин безгак тутгандек титраб, «Бу нима деганингиз?» деди.

— Турмада неча йил ётгансан, деб сўраяпман сендан, — дедим.

— Ия, нега турмада ётар эканман, нима қилибман? — деди Турдимат жаҳлланиб.

— Ётгансан, — дедим ишонч билан, — исботлаб беришим мумкин.

— Оғзингизга қараб гапиринг, нега туҳмат қиласиз?

— Туҳмат эмас, факт, исботлаб бераман, — дедим.

— Қачон? Қаерда? — деди Турдимат жиғибийрон бўлиб.

— Онангнинг қорнида тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа ётганинг ёлғонми?

Турдимат ҳазилга тушунди чоғи, дағ-дағ титраб, аблаҳ, деганча жўнаб қолди.

Ия, буёғи қизиқ бўлди-ку, мен унга беғараз ҳазил қилсам, у бўлса ҳазилга тушунмай, қўполлик қилди. Вой, тавбангдан кетай, ҳозирги одамларга нима бўлган ўзи? Саломга қўл узатсанг, мушт кўтаради. Тўғри, камина ҳам нуқсондан холи эмас. Миш-мишларга қараганда, мен бадфеъл, дилозор, фисқу фасодчи эмишман. Ёлғон! Дўст ачитиб, душман кулдириб гапирар, дейдилар. Кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ эмиш, дилозорликдан бошқа гуноҳим йўқ. Мен оқни оқ, қорани қора деяман. Ишхонадагилар баъзида: «Ҳамма ёмон бўлса, нега бошқа ишга ўтиб кетмайсиз», деб сўрайдилар. Қўйлар орасида бўри бўлмаса, қўйлар касал бўлиб қолади, мен «санитар бўри»ман, деб жавоб бераман. Бир куни такасалтанг ошнам мени сўроққа тутди:

— Ишхонангизда биронта яхши одам борми?

— Йўқ, ҳаммаси ёмон.

(Ҳажвия)

— Ўзингиз шу ерда ишлайсиз-ку?

— Мен ҳам ёмонман.

— Ишхонанинг овқати қалай?

— Бемаза.

— Чойхонанинг чойи-чи?

— Чой эмас, доғланган сув!

— Боя еган қовунингиз-чи?

— Ичи тўла селитра, экканнинг қўли синсин.

— Болаларингиз мўмин-қобилми ишқилиб?

— Падарига лаънат, бети қурсин!

— Уйдагилар, ишхонадагилар ёмон бўлса, нима қиласиз, уларнинг орасида хор бўлиб, жўнавормайсизми?

— Ишхонадагиларга ўрганиб қолганман, мен кетиб қолсам, уларни ким тартибга чақиради, мен ўз постимда ҳушёр туришим керак.

Такасалтанг илмоқли савол ташлади:

— Санитар бўриман дейсиз, бўрининг жойи ҳайвонот боғида, қафасда бўлади, қанча ҳунарингиз бўлса, ўша ерда кўрсатинг, акагинам!

Бетамизнинг гапи жон-жаҳонимдан ўтиб кетди:

— Единг, падари лаънат, пичоқсиз сўйдинг, — дедим юрагимни чангаллаб, — скорий чақиринглар!

Шу тариқа ўша дилозорнинг касрига қолиб, касалхонага тушдим.

Жодугар хотиним ёнимда мени эговлаб ўтирибди:

— Ётганингизга бир ой бўлди, йўқлаб бирор одам келмади...

Инқиллаб-синқиллаб, хотинимни сўкаман:

— Дийдиёингни бас қил, жодугар, одамми улар, ҳаммаси капийка, бир тийин!

Хотин яна минғирлайди:

— Ҳа, ҳаммаси капийка, фақат сиз олтинсиз!

Жаҳлим чиқиб, атом бомбадек портлаб кетдим:

— Ҳой, жодугар, нега келдинг, сени бу ерга ким чақирди? Сен ҳам капийкасан, йўқол кўзимдан!

— Вой шўрим, бақирманг, шарманда қилдингиз, ана дўхтир келаяпти, жим бўлинг!

Бурилиб қарасам, Азроилга ўхшаган дўхтир шоп-шалопини кўтариб, югуриб келяпти.

— Нима гап, нима шовқин?

Бошимни кўтариб, бақирдим:

— Оилавий ишга аралашма, сени бу ерга ким чақирди? Ҳамманг ёмонсан, берган доринг ёмон, муомаланг ёмон, ўзинг ҳам ёмонсан!

Дўхтир қўрқди шекилли, оёқ-қўли титраб, узр сўради:

— Бемор, майли биз ёмонмиз, сиз яхшисиз, тинчланинг, қани бир кўриб қўяйлик-чи...

**Абдулла ИСОМИДДИН.**

## Бу қизиқ

### Лойнинг тишга давоси



Бизни болаликдан тишларни тоза сақлашга ўргатиб келишади: умуман кир бўлиши мумкин эмас! Эндичи? Шифокорлар бунга бошқача қарашмоқда. Агар стоматолог оғзингизга лой тўлдириб қўйса, ажабланманг. Буни рад этишга шошилманг ҳам. Шифобахш лой таркибидаги фойдали микроэлементлар иммунитетни мустаҳкамлаб, соғайишни тезлаштиради. Бундай даволаш усули ҳозирча катта шаҳарлар клиникаларида қўлланилмоқда.

### Одамлар орасидаги тимсоҳ



Таиланднинг Пхукета шаҳрида истиқомат қилувчи бир фермер "уй-жойимни қўриқлайди", деган ниятда ит ўрнига тимсоҳ сотиб олди. Шунда у табиатда кам учрайдиган ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Яъни, тимсоҳ жуда ҳам мўмин-қобил бўлиб, ҳеч кимга озор етказмайдиган чиқиб қолди. Таиландлик фермернинг айтишича, улар бу жонивор билан бир ўринда ётишади. Кўпинча ёстиқ ўрнига бошининг тагида тимсоҳ пайдо бўлиб қолади. Ҳайвон жуда ҳам қўлга ўрганган. Тимсоҳнинг феъл-атворини ўзгартириш мақсадида эгаси унга ҳатто 20 кун давомида овқат бермай кўрди. Лекин шунда ҳам у ҳеч қандай ваҳшийлик аломатларини кўрсатмади.

## Рассом хандаси




– *Чипта бермайсизми?*

– *Чипта нима қилади акаси бу шахсий «стоянка»?*

**А. ҲАКИМОВ чизган расм.**

Утерянный гос. ордер № 04-02/13053 от 10.02.1993 г., на право собственности на квартиру Муратовой Мухаббат Зукуровны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный гос. ордер № 06-02/9484 от 03.02.1993 г., на право собственности на квартиру Пак Лоры Григорьевны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный военный билет КК № 9884760, выданный в 2001 году С. Рахимовским военкоматом на имя Сагдиева Рустамжона Хамиджоновича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный гос. ордер № 03-01/6719 от 18.03.1993 г. на право собственности на квартиру Хайдаровой Ихтибар Муслимовны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Чилонзор туман ҳокимияти томонидан 2004 йил 3 ноябрда Йўлдошев А. Р. номига берилган 1342/1962 (серияси 014188) рақамли савдо гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод туманидаги 122-ўрта мактаб томонидан 2004 йил 26 июнда Акромов Даврон Асқарович номига берилган O'R-A 1346536 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз туманидаги «Бархаёт чинор» фермер хўжалигига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный диплом № 044750, выданный в 2001 году Государственным институтом физической культуры на имя Гумерова Ильдара Абдухалковича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО «STROYMATERIAL TRANS» Сергелийского района г. Ташкента
**ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**
Претензии принимаются в течение одного месяца по тел: 58-76-15.

Утерянный диплом МТ-917976 от 11.07.1988 г., выданный медицинским колледжем им. Ибн Сино (бывшее медицинское училище) г. Янгиюля на имя Гиясовой Гульноры Темуровны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент вилояти ва Оҳангарон минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари жамоаси Оҳангарон минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Мурод Шометовга волидаи муҳтарамаси

**Манзура ая ШОМЕТОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 6048. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5 6